

Бисмиллаҳ Аллоҳу акбар дейилсада...

09:00 / 23.09.2017 5566

Савол:

Устоз бу савол ҳақида жуда кўп ўйлаб қоламан. Инсонга Аллоҳ таоло билмаган нарсасини ўргатган ва «Билмасангиз аҳли зикрдан сўранг» деган. Саволим куни кеча бир инсон қўлида қизил хўроз кўтариб олган, бозордан келаяпти. Мен “нима қиласиз?” десам, “Ҳазрати Довудга сўяман” дейди. Тўғри чилтанга, бободехқонга, Довуд алайҳиссаломга ва бошқага атасада, лекин «Бисмиллаҳ Аллоҳу акбар» деб сўйишади. Савол: Бизни чақиришади, биз бориб ўша сўйилган жонлиқнинг гўштидан ейишимиз жоизми?

Жавоб:

[Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

— Аллоҳ таолодан бошқага аталган нарсани еб бўлмайди.

<http://savollar.islom.uz/savol/25809>